



# АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ МАЬНАВИЙ МЕЪРОСИДА КОМИЛ ИНСОН ФОЯСИ

**Саматов Шомат Бердиевич,  
фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Аннотация:** Мақолада XIII асрда яшаган машхур шайх, файласуф, шоир, табиб Азизиддин Насафий томонидан илгари сурилган комил инсон гояси тўғрисида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** инсон, комил инсон, комиллик мезонлари, улуг инсон, кичик инсон, яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ, маърифат, баркамол авлод, баркамол жасамит.

**Аннотация:** В статье освещены идеи о совершенном человеке, выдвинутой знаменитом шейхом, философом, поэтом, врачом XIII в. Азизиддином Насафи.

**Ключевые слова:** человек, совершенный человек, критерии совершенства, великий человек, мелкий человек, доброе слово, добротное звание, добрый нрав, просвещение, совершенное поколение, совершенное общество.

**Abstract:** The article deals with the idea of a perfect man put forward by the famous shei in, philosopher, poet and physician of the 13 th century Aziziddin Nasafi.

**Key words:** person perfect man, perfection, criteria, great man, petty man, goodword, good dead, good intension, enlightenment, perfect generation, perfect society.

Шайх Азизиддин ибн Мухаммад Насафий XIII (тахминан 1240-1300 йй) асрда яшаб ўтган Марказий Осиёлик машхур файласуф олим, шоир ва табибdir. У Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилган, Бухорода таълим олган. Диний илмларни, юонон ҳикмати ва тасаввуфни чуқур ўрганган. Нажмиддин Кубронинг севикили шогирди шайх Саъдиддин Мухаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавий қўл остида тариқат сулукини адо этган. Эроннинг Баҳриобод, Шероз, Исфаҳон, Ҳамадон, Тус шаҳарларида истиқомат қиласида ва Абркӯҳ шаҳрида вафот этади.

Азизиддин Насафий улкан назариётчи олим сифатида ном қозонган ва ўзидан кейин дунё аҳамиятига молик бой маънавий мерос қолдирган. Унинг асарлари ҳали ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган, жаҳон маънавияти хазинасидан муносиб жой олган.

У тасаввуф, калом ва ҳикмат билан шуғулланиб, бу борада аниқ қарашларга эга бўлади. Таниқли олим ва моҳир таржимон Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, у биринчи бўлиб, Шарқ фалсафий оқимларини уч қисмга ажратиб ўрганган. Чунончи, унинг фикрига кўра, Шарқда бир-бирига вобаста ва бир-бири билан мухолифатда тараққий этиб келган қуидаги илмлар бор: 1) илми калом; 2) илми ҳикмат; 3) илми ваҳдат-яъни тасаввуф. Олим, гарчи тасаввуфга мойил киши бўлса-да, бироқ қолган оқимларни ҳам холисона ўрганган, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймай, балки уларни солиштириб, умумий жиҳатларини очиб берган.

Олимнинг доимий диққат марказида турган масала - бу инсон ва унинг камолоти масаласидир. Шу боис тасаввуфнинг комил инсон концепцияси Азизиддин Насафий фикрини ҳамиша банд этиб келган, бу масалани у атрофлича ўрганиб чиқсан. У ўзининг “Кашфул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар кашфи”), “Мақсади ақсо” (“Сўнгги мақсад”), “Зубдатул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Усул ва фуруъ” (“Усуллар ва шоҳлар”), “Баён ат-танзил” (“Нузал баёни”), “Манозил ас-соирин” (“Сайр этувчилар манзили”), “Мабдаъ ва маод” (“Манбаъ ва қайтиш жойи”) асарларида ушбу мавзу устида тўхташдан ташқари, маҳсус “Инсони комил” номли рисола ҳам ёзган.

Мутафаккарнинг фикрича: “Сўфийлар дейдилар: “Инсон кичик оламdir (олами сағирdir) ва ақл бу оламning одамиdir ва жисм Ҳавводир ва қўрқув иблисdir ва шаҳват товусdir ва ғазаб илонdir. Ва яхши ахлоқ жаннатdir ва ёмон ахлоқ-дўзах ва ақл қувватлари, рух қувватлари ва жисм қувватлари малоиклардирлар”. [11]

Жабарутий одам бошқа, малакутий одам бошқадир ва мулк одами бошқадир ва тупроқ одами бошқадир. Жабарутий одам мавжудотнинг аввалидир, шу сабабданким, мавжудотнинг барчаси жабарутдан келиб чиққандир. Ва малакутий одам малакут оламининг





аввалидир ва ул Ақли аввалдир, чунки малакут олами ҳаммаси Ақли аввалдан пайдо бўлганлар. Ва мулк одами мулк оламининг аввалидир ва у Фалаки аввалдир, шу сабабданким, барча нурлар жабарутнинг машриқ томонидан чиқадилар. Ва тупроқ (Er) одами илмларнинг мазҳари (зухурланадиган жойи) ва нурларнинг ўчоғидир ва у комил инсондир, чунки илмларнинг барчаси комил инсондан пайдо бўлгандир”.[11]

Азизиддин Насафийнинг фикридан келиб чиқадиган хулоса шуки: комил ҳар жиҳатдан камолга эришган, донишманд, фозил ҳар икки олам сирларидан бохабар, инсониятни ҳидоятга, Ҳақ ва ҳақиқатга, баҳту-саодатга этакловчи, бошловчи, назаркарда, дунёвий-илмий, илоҳий-рухий имконият ва қувватга ҳам эга, жамият тараққиёти қонунларини ҳам англовчи, унинг сирларини ҳам башорат қилувчи, ҳатто, аслий ва наслий фазилатли инсондир.

Аллома таъкидлайдики: “Билгилки, олами кабир (катта олам)нинг аввали бир жавҳардан иборат, худди олами сафир (кичик олам)нинг боши бир жавҳар бўлганидай. Кичик олам бошининг жавҳари нутфадир (инсон уруғи) ва кичик оламда мавжуд бўлган ҳар бир нарса нутфада мавжуддир. Ва нутфа оламида бўлмаган нарсанинг кичик оламда бўлиши маҳалдир. Эй дарвеш, агарчи мавжудотнинг ҳар бир қисми бу нур сифатининг мазҳаридир, аммо иккита мазҳар бағоят кучлидирлар: бири инсони кабир (улуг' инсон), иккинчиси инсони сафир (кичик инсон). Инсони кабир қудрат мазҳаридир ва инсони сафир илм мазҳаридир, яъни фалаклар, юлдузлар ва аносир (тўрт унсур) қудрат мазҳаридирлар ва комил инсон илм мазҳаридир.

...Билгилки, инсонлардан баъзиси шундай хосиятларга эгаки, бошқаларда бу хислат йўқ. Ва одамизоднинг ҳам мавжудотнинг ҳар бири бирор хосиятга эгадир. Одамлардан баъзиси шундайки, кимни кўрсалар ёхуд кўрмаган бўлсалар ҳам унинг ўтмиши ва келажагидан хабар берадилар ва бунинг бари тўғри чиқади, ёлғони бўлмайди. Бу тоифа кишиларни номгўйлар ва номжўйлар (номни айтувчилар) деб юритадилар. Ва яна одамлардан баъзиси шундай хислатга эгаки, назарларига бирор нарса тушса ва ёқиб қолса у нарса албатта зарар кўради ёки ҳалок бўлади. Бу тоифани ёмон кўзлилар ва касофат келтирувчилар дейдилар. Ва яна баъзилар шунақаки, тилларига бир нима келса, ўша нарса дарҳол муҳайё бўлади ва бу тоифани тили қоралар дейдилар.

Ва яна одамлардан баъзилари шундайки, энг қийин илмларни, агар жидду жаҳд билан киришсалар, бир кунда ўзлаштириб оладилар ва ҳар қандай мушкул хунар ёки санъатни бир кунда ёки ўн кунда ўрганадилар ва ўрганган илмлари, хунарларини ҳеч вақт унутмайдилар”.[11]

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳамма одам ҳам комил инсон бўла олмайди. Комиллик инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллигини ифодалайди. Комилликка илоҳ ва табиат ато этган табиий, ирсий истеъдод (албатта, тинимсиз меҳнат асосида) орқали эришилади. Бошқача айтганда, комил инсонда илми азалий (илоҳий инъом) мавжуд бўлиб, бу илми жадалий билан ёки ақли азалий (бу ҳам илоҳий инъом) берилган бўлиб, у ақли муқтасиб (касбий ақл) билан бирлашган бўлади.

“Билгилки, - деб ёзган эди А.Насафий, комил инсон шундай инсонки, у шариат, тариқат ва ҳақиқат борасида этукдир ва агар буни тушунмасанг, бошқа ибора билан айтай: билгилки, комил инсон деб шундай инсонни айтамизки, унда тўрт нарса камолга этган бўлади, яъни яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат. Унинг тили поку дили пок, иши ва ниятлари покдир. Эй дарвеш, илоҳ йўлини қабул этган жами соликлар шуни (эгаллаш билан) машғулдирлар ва одамларнинг вазифаси ана шу тўрт нарсани камолга этказишдан иборат. Кимки бу тўрт нарсани камолга этказса, ўзи ҳам камолга этади. Дареғким, кўп одамлар бу йўлга кирдилар, аммо гирдобларга ғарқ бўлдилар ва мақсадга этолмадилар, муродлари ҳосил бўлмади”.[11]

Азизиддин Насафий томонидан ҳали XIII асрда комил инсонга берилган классик таъриф мана саккиз асрдирки жаҳон мутафаккирлари, ахли донишларини диққатини ўзига тортиб келаётганлиги билан аҳамиятлидир.





Сабаби, комиллик инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши комилликнинг мезонларидир.

Азизиддин Насафийнинг фикрича: "...Комил инсоннинг исм-сифатлари (белгилари) кўпdir, турли исмларни эътибор юзасидан унга нисбат берадилар ва бунинг барчаси тўғридир... Комил инсонни шайх ва раҳбар, ҳодиу маҳди, дейдилар. Ва доно ва болиғ (балоғат чўққиси) ва комил ва мукаммал ва имом ва халифа ва қутб ва замон эгаси деб улуғлайдилар. Ва жаҳонни кўрсатувчи жом ва оламни кўрсатувчи кўзгу ва улуғ тарёк ва иксiri аъзам дейдилар. Ва уни ўликни тиргизувчи Исо ва ҳаёт сувини ичган Хизр ҳам дейдилар. Ва Сулаймон дейдилар, чунки қушлар тилини билади ва деву парига шоҳdir. Ва бу комил инсон ҳамиша оламда бордир...."

Азизиддин Насафийнинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган хulosса шуки, баркамол инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамdir. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай улуғ мартабага кўтарила олади. Бунинг учун эса, риёзат чекиб тариқат мақомларини босиб ўтишга тўғри келади.

Буюк инсоншунос аллома А.Насафий комил инсонга хос фазилатлар ва хисларни ғоят теран ифодалай олган. Унинг фикрича:

Мулқ, малакут ва жабарут оламларида ҳеч нарса комил инсон кўзидан яширин қолмайди. Барча ашёнинг моҳиятини ва ашёлар ҳикмати моҳиятини туб-тубигача билади. Одамлар коинотнинг қаймоғи ва хulosаси ҳамда мавжудот дараҳтининг мевасидирлар, комил инсон эса одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хulosасидир. Мавжудот ҳам сурат ва ҳам маъни юзасидан биратўла комил инсон назари остидадир. Чунки меъроj (кўтарилиш) ҳам сурат ва ҳам маънига кўра бу тарафдандир (инсон тарафидандир).

Алломанинг фикрича, комил инсон илоҳиётни таниб Худойи таоло дийдорига этгандан кейин ҳалқа роҳат этказишдан улуғроқ тоатни билмагай ва ҳеч бир ишни бундан ортиқ кўрмагай ва одамларга эҳсон қилиш, бир фойдали сўз айтиш ёки фойдали иш қилишдан ўзга роҳатни билмагай. Токи одамлар у айтган йўлдан юриб, буюрган ишни қилиб, дунёда осонроj яшасинлар ва дунёning балову фитналаридан, эмин бўлсинлар ва охиратда азоблардан кутулсинлар. Кимки шундай қилгай, у набиларнинг ворисидир.

Азизиддин Насафий таълимотича: "Комил инсон ҳалқ орасида ростликни барқарор этиш ва ёмон одат-руsumларни ҳалқ орасидан кўтариш ва одамлар ичида эзгу қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни худо йўлига чорлаб, охиратни таърифлаш ва дунёни мазоммат қилиш, дарвешлигу ҳоксорликнинг фойдасини кишилар онгига этказишни энг яхши ибодат деб билади. Токи кишилар қалбида дарвешликка муҳаббат уйғонсин, шаҳват ва бойликка нафрат пайдо бўлсин. Комил инсон яхшиларга жаннат неъматини, ёмонларга эса дўзахни соғинади, одамларни бир-бирларига муҳаббатли ва мушфиқ қилиш учун курашади, токи одамлар бир-бирларига озор этказмасинлар ва бир-бирларининг ўринбосарлари бўлсинлар. Буюради, токим одамлар тиллари ва қўллари билан бир-бирларининг тинчлиги ва омонлигини таъминласинлар ва шунга аҳду паймон қилсинлар ва бу аҳдни бузмасинлар, агар бузсалар-имонсиздирлар".

Бу улуғ ғоя қарийиб, саккиз аср илгари - яъни XIII асрда буюк донишманд бобомиз Азизиддин Насафий томонидан қанчалик аниқ ва изчил қўйилган эдики, шу жиҳатдан ҳам у ҳар қандай тасанно лойиқдир.

Комилликнинг фазилатлари тўғрисида фикр юритаркан А.Насафий қуйидагиларни баён этган эди:

"...Билгилки, ғайб оламидан равона бўлган ҳар бир ато (эҳсон) ёки бало шаҳодат оламига (моддий дунёга) келиб этгунча комил инсон қалбида пайдо бўлади ва у ушбу ҳолатдан хабардор бўлади. Бошқалар тушида кўрадиган нарсаларни у ўнгидаги кўради. Эй, дарвеш, дарёи муҳит-уқёнусда оламни кўрсатувчи кўзгу ўрнатганлар, деб неча бор эшитгандирсан, уқёнусда нима воқеа-ходиса юз берса, нимаики пайдо бўлса ўша кўзгуда кўринади, дейдилар. Бу уқёнус Файбнинг ғайб оламидир ва бу кўзгу эса комил инсоннинг қалбидир. Файбнинг ғайб оламидан нима нарсаки равона бўлгай вужуд қирғонига келиб





этгунча унинг акси комил инсон дилида ифодаланади ва комил инсон ушбу холатлардан огох бўлади. Ва ҳар кимки комил инсон ҳузурига кирса, қалбидаги нима бўлса, ул нарсалар комил инсон қалбидаги пайдо бўлади.

Жумла мавжудот одамзодга шунинг учун сажда қиласиди, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумла одамзод комил инсон туфайли (шарафли) дирлар. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг холосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, рухоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту қавоқиб ҳаммаси комил инсон хизматидирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоғ қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар...

Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир”.

Азизиддин Насафий алоҳида уқтирган эдики, ....Кимки доирани (нузул ва уружтушиш ва қўтарилиш доирасини) тамом қилган бўлса кичик оламни охирига этказган бўлади ва инсонийлик мақомининг ниҳоятига этади ва комил инсон бўлади. Ва кимки кичик оламни охирига этказиб, этук бўлса, улуғ оламда Худонинг нойиби ва халифасига айланади. Энди унинг вазифаси бошқаларни тарбиялаб, этукликка олиб чиқишидир. Ва кимки кичик оламни охирига этказмаган бўлса, улуғ оламда Худонинг нойиби ва халифаси бўлолмайди. Бу оламга пешво-раҳбар бўламан деб қанчалик уринмасин, бунга муяссар бўлолмайди.

Унутмаслик керакки, инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Азизиддин Насафийнинг фикрича, комил инсон оламнинг сири ва қутбидир. Шу сабабданки, у илмнинг муҳити-манбаидир, олимдир, ҳар бир нарсани ўз жойида кўради ва ўз мавқеида баҳолаб, адолат қила олади. Ва одамлар ҳаммаси унинг теграсида, у туфайли яшайдилар. Афлок ва анжумнинг икки қутби бор ва улар шу қутблар атрофида айланадилар-буларнинг бири Шимолий, иккинчиси Жанубий қутб. Одамлар ҳам икки қутбга эгадирлар - бири доно инсон, иккинчиси тавоно, яъни кучли инсон. Агар бир киши ҳам доно ва ҳам кучли бўлса, унинг иши осон кечади, албатта, фақат комил инсон шундай фазилатга молик.

Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташқилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзийёев таъкидлаганидек: “Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи-маънавиятдир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларини мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон –маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз” [4]

Зеро, баркамол авлод келажаги учун қайғурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайди. Бу борада буюқ бобокалонимиз Азизиддин Насафий томонидан узок XIII асрда илгари сурилган комил инсон ғояси дастуриламал вазифасини ўтайди, йўлимизни равон, муродимизни ҳосил қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябрь.
2. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2021 йил 26 март // “Халқ сўзи” 2021 йил 27 март.
3. Мирзийёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар - Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // “Халқ сўзи”, 2020 йил 1 октябрь.





4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // “XXI аср”, 2021 йил 7 ноябрь.
5. Баркамол авлод орзуси // “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Т.: 1999.
6. Ватан ва миллат муқаддасдир.-Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
7. Комилов Н. Тасаввуф.-Т: “Ўқитувчи”, 1996.
8. Комилов Н. Тасаввуф карвонлари.-Т: “Маънавият”, 1999.
9. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Т.: “Камалак”, 1991.
10. Маънавият юлдузлари.-“халқ мероси”. Т; 2001.
11. Насафий Азизиддин. Комил инсон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 14 август.
12. Насафий Азизиддин. Зубдатул ҳақойик // Комил инсон ҳақида тўрт рисола.-Т: “Маънавият”, 1997, Б-109.
13. Фатхуллоҳ Ҳожи Неъматулло ўғли. Илм китоби.-Т.: 2007.
14. Улуғларнинг сўздари, сўзларнинг улуғлари. (Таржимон ва тўплаб нашрга тайёрловчи Гўзал Мирзаева).-Қарши, “Насаф” нашриёти, 2010.
15. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
16. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
17. Kattakulovna, T. S., Khudoiberdievich, T. B., Evatovich, R. A., Norkulovich, J. B., & Buriniyozovna, E. S. Increasing protection of the rights and interests of youth in Uzbekistan.[Electronic Resource]. URL: <https://philosophicalreadings.org/2021-13-4/>(date of access: 15.06. 2022).
18. Turabova K. K., Turabova S. K. THE ROLE OF SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC AND CREATIVE ABILITIES AND PROFESSIONAL SKILLS //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – Т. 2. – №. 06. – С. 167-170.
19. Рўзибоев, Дишод Аъзам Ўғли (2022). XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (3), 943-952.
20. Ruziboev Dilshod A'Zam Ugli (2021). TOURISM POWER OF UZBEKISTAN. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (5), 215-222.
21. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
22. Rustamov, R. R., & Elboyeva, S. B. R. (2020). THE EVOLUTION OF THE SYSTEM OF SPIRITUAL PROPAGANDA. Theoretical & Applied Science, (10), 218-221.
23. Чориев, С.А. , & Рустамов, Р.Р. (2022). ДУНЁ ТАРФИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 48-59.
24. Mamasaliyev, Mirzoulug' Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
25. Мамасалиев М. М. ЭПОХА ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА: ФИЛОСОФСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ //РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2022. – С. 161-165.

